
“Томорқа ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Томорқага бефарқлик – хиёнат!”



“Томорқа ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Томорқага бефарқлик – хиёнат!”

“Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройли” деб бежиз айтишмаган доно халқимиз. Агар ҳар бир инсон ақлу заковатини ишга солиб, сидқидилдан меҳнат қилса албатта, кўзлаган натижаларига эришади. Ахир “Меҳнатнинг таги роҳат” деган мақол ҳам бежизга айтилмагандир. Коронавирус пандемияси туфайли карантин тартиби жорий этилиши ҳар биримизни сергак тортишга ундамоқда. Суяги меҳнат билан қотган халқимиз бугун ҳар доимгиданда кўпроқ тараддудда. Берилган имкониятлардан самарали фойдаланаётган ҳамюртларимизнинг саъй-ҳаракатлари унумли бўлишига ишонамиз.

Томорқадан самарали, унумли фойдаланиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Ернинг ҳар бир қаричи олтинга тенг. Унга бепарволик хиёнат саналади. Тўрт томони пурвиқор тоғлар билан ўралган Сухнинг замини бахосият, унумдор. Ердан уч маротаба бўлмаса ҳам, Сухлик миришкорлар ҳар йили икки маротабагача ҳосил олишади. “Эндиликда ушбу кўрсаткични янада кўпайтириш, иш ҳажмини ҳам иккичандон кучайтиришимиз лозим. Бугун еринг ҳар бир қаричи ҳисобли – бекор турмаслиги керак” – дейди биз билан сўхбатда Девайрон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи асли каби шифокор, айна пайтда нафақада бўлган Сафияхон Шокирова. Туман ҳокими Фаррух Усаров раҳбарлигида бугун биз айнан шу маҳаллага йўл олдик.



Бизни Сафияхон-опа айна томорқа ичида кутиб олди. Ҳовлининг бир чеккаси, масоҳати қарийб бир сотих келадиган майдонда иссиқхона бунёд этилган. “Куни кеча иссиқхонада етиштирилган помидор ва бодиринг кўчатларини сотдик. Бундан ташқари, бошқа полиз экинларини парвариш қиламиз шу мўъжазгина гўшада. Иссиқхонани кенгайтириш мақсадимиз бор”. Иссиқхонадан ташқари, ҳовлининг очик турган ер майдонида картошка, пиёз, сабзи, ловия ва бошқа зироатлар парваришланмоқда. Иссиқхонани кенгайтириш учун туман ҳоқими ёрдами билан опага банк кредити ҳам бериладиган бўлди.



Худди ана шу йўсинда меҳнат қилаётган яна бир Девайронлик опа Саодатхон Абдуллоеванинг томорқасида ҳам сабзавотнинг минг хили парваришланаётир. Ҳовлининг мўъжазгина сув чиқмайдиган қисмига пиёз экилган. Опа ихтиро қилган суғориш тизими диққатимизни ўзига тортди. Парваришланаётган пиёз велосипед дискидан яратилган чархпалак билан суғориладиган экан. “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади” деганлари шу бўлса керакда.



Маҳаллада асаларичилик ривожланмоқда. Асалбек Муртазобеков Девайрон асаларичилар сулоласининг давомчиси. Асалбек-аканинг сўзларига кўра, айти пайтда хонадонидида 500 дон асалари оиласи мавжуд бўлиб, май ойида асал олиш ишлари бошланар экан. “Ҳар йили 5 тоннагача асал оламан. Даромадимиз яхши” – дея сўз бошлади Асалбек-ака. Маҳалла раиси Раҳмонжон Бобоевнинг маълумотиға кўра, Асалбек Муртазобеков хайр-саховатидан барча маҳалла аҳли баҳраманд бўлишган. “Олинган даромадидан маҳалладаги боғча, мактаб, ижтимоий кўмакка мўхтож бўлган оилаларға ҳар доим кўмак бериб келади”. Туман ҳокими таклифи билан туманда асаларичилар мактаби ташкил этиладиган бўлди. Айтганча, асаларичиликка иштиёқи бор фуқароларға асалари сотилиши ҳам маълум бўлди. “Ижтимоий кўмакка мўхтож, эҳтиёжманд оилаларға асалари бепул берилади” – дея дилидаги ташаббусини тилға чиқарди Асалбек-ака. “Саховат омад ва даромад калити” дея тўғри таъкидлаган эканлар аждодларимиз.



Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, қаратнтин даврида туман аҳолиси уйда қолиб, уй ишлари билан банд бўлишмоқда. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар кўчма савдо дўконлари орқали етказиб берилляпти. Девайрон маҳалласининг энг чекка “Тараққиёт” кўчасига ҳам туман ҳокими, биринчи сектор раҳбари Фаррух Усаров ташаббуси билан кўчма савдо дўкони қриб бориди. Фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва гўшт маҳсулотлари етказиб берилди. Шу билан бирга, мутасаддийлар томонидан етказиб берилётган маҳсулотларнинг сифати ва нарх-навоси ҳам қаттиқ назоратга олинган. Бундай эътибордан аҳоли жуда мамнун ва миннатдор.



Уйда қолиб, фойда олишга интилаётган халқимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам. “Аҳиллик ва бирдамликда бошимизга келган офатни енгишга ҳақлимиз - бунга сабримиз ҳам, бардошимиз ҳам, ишончимиз ҳам етарли”.